

**Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан  
мажбурий суғурта қилиш  
ШАРТНОМАСИ**

**№ 3**

2022 йил “11” январ

Тошкент шаҳри

Ушбу шартнома “Суғурта қилдирувчи” деб аталадиган туман, шаҳар, туманлараро, вилоят ва унга тенглаштирилган судлари номидан Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Бухоро вилояти ҳудудий бўлим бошлиғи А.Адизов (кейинги ўринларда - Суғурта қилдирувчи) бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2018 йил “19” апрелда берилган СФ 00228-сон лицензия асосида, кейинги ўринларда “Суғурталовчи” деб аталадиган “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти номидан 2021 йил 30 декабрдаги 05-06/7Б-сонли ишончнома асосида ҳаракат қиладиган Бошқарув Раиси в.в.б М.Мирабзалов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида тузилди:

**I. Шартнома предмети**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 879-сон қарори билан тасдиқланган “Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ушбу шартномада белгиланган қийматдаги суғурта мукофотини тўлаб бериш, Суғурталовчи эса, суғурта қилинган шахснинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда ўз хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида суғурта суммасини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

**II. Суғурта суммаси ва суғурта мукофоти**

2.1. Ушбу шартноманинг 1-иловаси бўйича жами суғурта суммаси: -2022 йил 15 январдан 2023 йил 14 январга қадар 90 069 800 000,0 (тўқсон миллиард олти миш тўққиз миллион саккиз юз минг) сўм;

2.2. Суғурта ходисаси содир бўлганда, ҳар бир суғурталанган шахсга (наф олувчига) белгиланган суғурта суммаси шартноманинг ажралмас қисми бўлган унинг 2-иловасидаги рўйхатга асосан тўлаб берилади.

Шунингдек, йил давомида янги тайинланган ва муддати тугаган (бўшаган) судьялар бўйича ўзгариш бўлганида, рўйхат янгиланиб, ОСД ХБ томонидан “Ўзагросуғурта” АЖга хат орқали юборилади ҳамда йил якунида, штат жадвали бўйича суғуртага тўланган маблағдан рўйхат бўйича ҳисобланган маблағ фарқи ОСД ХБга қайтарилади.

2.3. Ушбу шартнома бўйича суғурта мукофоти 75 штат бирлиги бўйича ўртача ҳисобланган 214 367 000,0 (икки юз ўн тўрт миллион уч юз олти миш етти минг) сўм (ҚҚС сиз) шартноманинг 1-иловасига асосан ташкил этади.

Шартномада кўрсатилган суғурта мукофоти суммаси 100 фоиз ўтказиб берилади.

2.4. Суғурта мукофоти 2022 йил 15 январга қадар тўлаб берилади.

2.5. Суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчининг ҳисобрақамига пулни ўтказиш йўли билан тўланади. Пул маблағлари суғурталовчининг ҳисобрақамига тушган сана давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

2.6. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қилиши даврида шартнома шартлари ўзгарган тақдирда, ўзгарган шартларга қараб суғурта

мукофотига тузатиш киритилади. Бунда суғурта мукофоти бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида томонларнинг мажбуриятлари давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча келишув тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмасдан бажарилиши лозим.

2.7. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиладиган муддат мобайнида суғурта тарифи даражасининг ўзгариши суғурта қилдирувчи томонидан тўлов вақтида амалда бўлган суғурта тарифи бўйича тўланган суғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

### **III. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати**

3.1. Ушбу шартнома ғазначилик органларида рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиладди.

3.2. Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта полисида кўрсатилган санадан бошланган вақтдан кучга киради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охириги куни соат 24:00 да тугайди.

### **IV. Шартноманинг бошқа шартлари**

4.1. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қилиши даврида давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишда тақдим қилинган аризада кўрсатилган маълумотлардаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида суғурта қилдирувчи суғурталовчига уч иш кунидан кечикмай ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

4.2. Суғурта қилдирувчидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишда тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида ариза олинганда суғурталовчи, зарур ҳолларда, давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча келишув тузади ва суғурта полисини қайта расмийлаштиради.

### **V. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **(суғурта қилинган шахс ва наф олувчининг ҳуқуқлари)**

#### **5.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:**

суғурталовчидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта тўловини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

суғурта қилинган шахсларнинг сони камайганда суғурта мукофотининг суғурталанган шахсларнинг камайган сонига ва давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш;

суғурта полиси йўқотилган тақдирда суғурталовчидан суғурта полиси дубликатини олиш ҳуқуқига эга.

Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **5.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:**

ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаши;

суғурта қилинган шахсларни давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, ушбу шартнома бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурта қилинган шахс (наф олувчи) ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат

қилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни тақдим этиши;

суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги ҳақида ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан йигирма иш куни мобайнида суғурталовчига ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

### **5.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:**

суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ҳолатларини текширишда иштираш этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

суғурталовчан шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ҳолатларига доир ахборотни (маълумотни) текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **5.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:**

суғурта қилдирувчини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурта қилдирувчи ва суғурта қилинган шахс (наф олувчи) тўғрисида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта тўловини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, суғурта қилинган шахс (наф олувчи) суғурта тўловини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурта қилдирувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослаган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Низомнинг 24-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн беш иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта тўловини тўлаши;

ташкilot номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда суғурта қилдирувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маълум қилиши;

суғурта полиси йўқотилган тақдирда, суғурта қилдирувчи тегишли ариза билан мурожаат қилган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида суғурта полиси дубликатини бериши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

### **5.5. Суғурта қилинган шахснинг ҳуқуқлари:**

суғурталовчига суғурта тўловини тўлаш ҳақида ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта тўлови олиш;

давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида суғурта қилдирувчи ёки суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

белгиланган тартибда ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ҳолатларини текширишда, зарурият бўлганда, ўзининг ишончли вакилини жалб этган ҳолда иштираш этиш;

суғурта қилдирувчидан суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Суғурта қилинган шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **5.6. Наф олувчининг ҳуқуқлари:**

суғурта тўловини олиш ҳақидаги талаб билан суғурталовчига мурожаат

қилиш;

суғурталовчидан қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартиб асосида суғурта тўловини олиш;

давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида суғурта қилдирувчи ва суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

суғурталанган шахс ўз хизмат вазифаларини бажараётганда ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги) ҳақида суғурта қилдирувчини хабардор қилиш;

суғурта ҳодисасини текширишда белгиланган тартибда ишгирок этиш;

суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни суғурта қилдирувчидан олиш ҳуқуқига эга.

Наф олувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## VI. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Судлар фаолияти тўғрисида" ги Қонун, юқорида қайд этилган Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## VIII. Яқинловчи қонда

8.1. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, томонлар учун бир хил кучга эга.

8.2. Суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда ушбу ҳудуддаги "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиали ходимлари жалб қилинади.

## IX. Томонларнинг реквизитлари:

Суғурталовчи:  
"Ўзагросуғурта" АЖ

Манзили: Тошкент ш.,  
Чилонзор-19, 61/2  
тел: (71) 216-05-00 факс: 216-05-00  
Ҳисоб рақами: 20216000100101171001  
Банк номи: АТБ "Микрокредитбанк"  
Тош. вил. филиали, СТИР: 200794771  
МФО: 00455 ОКЭД: 65120  
Бошқарув Ранси в.в.б

Суғурта қилдирувчи:  
Судлар фаолиятини таъминлаш  
департаменти Бухоро вилояти ҳудудий  
бўлими

Манзили: Бухоро шаҳар  
Ами ҳасан кўч. 122-45  
Тел: 65-221-85-73  
ШХВ: 200010860064017033232011002  
Х/Р: 23402000300100001010  
Банк: Тошкент Марказий Банк  
МФО: 00014 СТИР: 204251421  
Бўлим бошлиғи



М.Мирабзалов



А.Адизов

*Қўриқилган!*  
*С.Ш.Ш.*  
*С.Ш.Ш.*